

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

"РЎЙХАТГА ОЛИНДИ"

№ ВМ-343-53408-3.19

"1" июль 2003 й.

"ТАСДИҚЛАНДИ"

Ўзбекистон Республикаси

Олий ва ўрта махсус

таълим вазирлиги

"8" июль 2003 й.

**СОЛИҚ НАЗАРИЯСИ
фанидан
ДАСТУР**

**Олий таълимнинг 340000 - "Бизнес ва бошқарув"
таълим соҳасидаги 5340800 - "Солиқлар ва
солиққа тортиш" бакалавриат йўналиши учун**

Тошкент - 2003

Тузувчилар: доц. Альмардонов М.,
доц. Худойкулов С.

Такризчилар: доц. Саидхўжаев П.,
доц. Усанов А.

Олий касбий таълимнинг давлат стандартларига мувофиқ "Солиқлар ва солиққа тортиш" йўналиши бўйича "Солиқ назарияси" фани ихтисослик фанлар жумласига киради.

Ушбу фанни ўқитиш жараёнида солиқлар ва солиқсиз тўловларга хос назарий жиҳатлар ёритиб берилади. Хусусан, солиқларнинг вужудга келиши ва ривожланиш босқичлари, солиқлар ва солиқсиз тўловларга оид илмий қарашлар ва назариялар солиқларнинг моҳиятини очиб берувчи барча унсурларнинг назарий томонлари кенг ва атрофлича ўрганилади.

В соответствии с государственными стандартами Высшего образования дисциплина "Теория налогов" является профилирующим предметом направления "Налоги и налогообложение". В процессе обучения данной дисциплине раскрываются теоретические аспекты налогов и налоговых платежей. В частности, происхождение налогов и этапы их развития, научные взгляды по теории налогов и неналоговых платежей. Вместе с тем, рассматриваются сущность налоговой системы и их элементы.

Subject of "tax theory" is one of specialization subjects, which are oriented to "tax and taxation" along the state standards of High Professional Education. In process of this subject, taxes and nontax payments' theories are lightened, especially forming and developing stages of taxes, scientific glance and theories of taxes and nontax payments. And theoretical parts of all elements, which opens essence of taxes, are learned widely and thoroughly.

This example program is approved and confirmed by Ministry of High and Secondary Education of Republic of Uzbekistan.

Дастур Тошкент Молия институти Илмий Кенгашида муҳокама қилинган ва нашрга тавсия этилган (2003 йил 25 апрель 9-сонли баённома).

Дастурлар тўплами Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги олий ўқув юртлариаро илмий-услугий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгаш мажлисида муҳокама қилинган ҳамда нашрга тавсия этилган (2003 йил 1 июль 37-сонли мажлис баёни).

1. СЎЗ БОШИ

Ўқув фанининг мақсади ва вазифалари, бошқа фанлар билан ўзаро боғланиши

Ўзбекистон Республикаси олий таълимнинг давлат таълим стандартларига асосан "Солиқ ва солиққа тортиш" йўналишида ихтисослик фанлар сифатида "Солиқ назарияси" фанини ўқитишдан асосий мақсад талабаларнинг солиқлар ва солиқсиз тўловларнинг моҳиятини назарий жиҳатдан чуқур ўзлаштиришини ва солиқларнинг юзага келиш жараёнларини ўрганишини таъминлашдан иборатдир. "Солиқ назарияси" фани тадқиқот объектини ўрганиш хусусиятидан келиб чиқиб, "Иқтисодиёт назарияси", "Молия", "Давлат молияси тарихи", "Солиқ тарихи", "Иқтисодий таълимотлар тарихи" каби бир қатор иқтисодий фанлар билан ўзаро боғланади.

Ўқув фани бўйича билим, кўникма ва малакаларга талаблар

"Солиқ назарияси" фанидан семинар ва амалий машғулотлар ўтказилиши мўлжалланган ҳолда, лаборатория машғулотлари ўтказиш кўзда тутилмаган. Семинар ва амалий машғулотларда маърузада ўрганилган мавзулар юзасидан савол-жавоб тариқасида баҳс-мунозаралар ўтказилади. Бу мунозараларда талабаларнинг фаол иштироки таъминланади.

Амалий, семинар ва лаборатория машғулотлари бўйича бажариладиган ишларнинг минимал миқдорига талаблар

Ўқув дастурида келтирилган амалий (семинар) машғулотларининг мавзуларидан талабалар тегишли тартибда танлаб олиб, бу мавзулар бўйича рефератлар ва мустақил ишлар тайёрлашлари ҳамда амалий машғулотни олиб боровчи ўқитувчи назоратида тайёрланган ишлар юзасидан оғзаки суҳбатдан ўтишлари лозим. Ушбу талаблар амалий машғулотлар мавзуларидаги юлдузча билан ажратиб кўрсатилган кичик мавзулар бўйича талабаларнинг тўлиқ ўзлаштиришларини белгилаб беради.

Аудитория машғулотлари турларининг соатлар ҳажми бўйича тавсиялар

Мазкур ўқув дастури Олий касбий таълимнинг давлат стандартларига мувофиқ тайёрланиб, унда ушбу фанга 108, шу жумладан, 36-маъруза, 36-амалий, 36-мустақил таълим соатлари ажратилган.

Талабалар билимини баҳолаш учун ўтказиладиган назорат тадбирлари миқдори

"Солиқ назарияси" фанидан талабаларнинг билимини баҳолаш икки марта оралик, икки марта жорий, ҳамда якуний назорат шаклларида ўтказилади. Якуний назорат ёзма иш шаклида ташкил этилади.

Компьютер, информацион ва бошқа замонавий ўқитиш технологияларни қўллаш

"Солиқ назарияси" фанини ўқитишда компьютерлардан, аудио ва видео жиҳозлардан, проектор ва кодоскоплардан, шунингдек, турли жадваллар ҳамда слайдлардан фойдаланиш талаб этилади.

2. ФАН ДАСТУРИ

"Солиқ назарияси" фани бўйича маъруза машғулотлари мавзуси

"Солиқ назарияси" фанининг предмети, мазмуни ва уни ўрганиш усуллари

"Солиқ назарияси" фани ижтимоий-иқтисодий фан эканлиги. Фаннинг тадқиқот объекти. *Фанни ўрганишдаги умумий ва алоҳида усуллар.* Фаннинг бошқа фанлар билан узвий боғлиқлиги.

Солиқлар ва солиққа тортишнинг вужудга келиши ва ривожланиш тарихи

Солиқлар вужудга келишининг давлат тушунчаси билан боғлиқлиги. Солиқлар ва солиққа тортишнинг вужудга келиш давлари. Қадимги Рим давлати - солиқлар вужудга келишининг дастлабки кўриниши сифатида. Қадимги Римда амал қилган солиқлар ва солиққа тортиш тизими (I-давр). XVII-XVIII асрлардаги солиқларнинг хусусиятлари (II-давр). *Ўзбекистон Республикаси ҳудудида солиққа тортишнинг ривожланиши: араб, муғул истилочилари давридаги солиқлар; А.Темур ва темурийлар давлатида солиқлар ва солиққа тортиш тизимининг хусусиятлари, унинг бошқа даврлардаги солиққа тортиш тизимидан фарқи; Бухоро амирлиги, Қўқон ва Хива хонликлари даврида солиққа тортиш тартиби; Чор Россияси ҳукмронлиги давридаги солиқлар; Ўзбекистон Республикасида мустақилликкача бўлган солиқлар ва солиққа тортиш тизими.*

Солиқлар ва солиққа тортиш ҳақидаги илмий қарашлар. Умумий ва хусусий солиқ назариялари

Илмий қарашлар, ғоялар, назариялар солиқ назарияларининг асосий манбаи эканлиги. *Умумий солиқ назариялари: алмашинув назарияси, атомистик назария, классик солиқ назариялари, Кейнс назарияси, монетаристик назария, таклиф иқтисоди назарияси. Қаноатланиш назарияси. Хусусий солиқ назариялари: тўғри*

ва эгри солиқлар нисбат назарияси. Ягона солиқ назарияси. Пропорционал ва прогрессив солиққа тортиш назарияси.

Солиқларни иқтисодий моҳияти ва тамойиллари

Солиқлар ва солиққа тортишнинг иқтисодий моҳияти. Солиқларнинг тавсифий хусусиятлари ва умумий белгилари. Солиқларнинг функциялари. Солиқларнинг олдига қўйилган вазифалар. *Солиқларнинг функциялари ва вазифалари ўртасидаги фарқ. Солиққа тортиш ва бюджет жараёни. Солиқларни таърифлаш масалалари. Солиқларнинг бошқа тўловлардан фарқли жиҳатлари.* Солиқлар, йиғимлар, бож ва бошқа солиқсиз тўлов тушунчаларининг бир-биридан фарқланиши (ажратилиши). Солиққа тортиш тамойиллари тизими. Солиққа тортишнинг иқтисодий тамойиллари. А.Смит тамойиллари. А.Темур тузукларида солиққа тортиш тамойиллари. А.Темур ва А.Смит тамойилларида ўхшаш ва фарқли жиҳатлар. Ўзбекистон Республикаси солиқ қонунчилигида солиққа тортиш тамойиллари.

Солиқ сиёсати ва унинг асосий йўналишлари

Солиқ сиёсати тушунчаси. Солиқ сиёсатининг таркиби. Солиқ сиёсатини амалга оширишда ҳокимият органлари: олий, ижро, суд ҳокимиятларининг роли. *Ўзбекистон Республикаси солиқ сиёсатининг хусусиятлари. Давлат солиқ сиёсатининг асосий йўналишлари босқичлари. Солиқ стратегияси ва тактикаси.* Бозор иқтисодиётига ўтишнинг дастлабки йилларида солиқ сиёсати. Иқтисодий барқарорлик давридаги солиқ сиёсати. Иқтисодиётни эркинлаштириш ва иқтисодий юксалиш даврида солиқ сиёсати. Халқаро солиқ сиёсати: умумий ва ўхшаш хусусиятлар.

Солиқ элементлари

Солиқ элементларининг моҳияти. Солиқ ҳуқуқий нормаси дастлабки элемент сифатида. Солиқ муносабатлари иштирокчилари: солиқ ундирувчи (солиқ ва божхона хизмати органлари); солиқ тўловчи (юримдик ва жисмоний шахслар). *Солиққа тортиш предмети. Солиқ объекти. Солиқ манбаи. Солиқ объекти ва солиқ манбаининг бирлиги (ўхшашлиги). Солиққа тортиладиган база. Солиқ меъёрлари. Солиқ бирлиги. Солиқ кўлами (масштаби). Солиқ ставкасининг мазмуни.* Солиқ ставкаси турлари: пропорционал (мутаносиб); прогрессив; регрессив; қатъий; улушли (фоизли); табақалаштирилган; табақалаштирилмаган; ўзгарувчан; ўзгармас. Солиқ ставкаларини табақалаштириш мезонлари. Солиқ имтиёзлари. Солиқ имтиёзларининг турлари: тўлиқ озод этиш; қисман (вақтинчалик) озод этиш; солиқ базасини камайитириш. Солиқ кредити. Солиқ каникули. Солиқ оклади. Солиқни тўлаш муддатлари. Солиқ даври. Солиқни

ундириш усуллари: кадастрли; даромад эгаси манбаидан олгунга қадар; даромад эгаси манбани олгандан кейин (декларация).

Ўзбекистон Республикаси солиқ тизими ва унинг шаклланишининг назарий асослари

Тизим тушунчаси. Солиқ тизимининг моҳияти. Солиқ тизимининг таркиби. Солиқ тизими унсурлари. Солиқ тизими унсурларининг яхлитлиги ва ўзаро боғлиқлиги. *Солиқ тизимини гуруҳланиш тартиби. Эгри солиқлар. Тўғри солиқлар. Эгри ва тўғри солиқларнинг бир-биридан фарқи. Оборотдан олинadиган солиқлар. Даромаддан олинadиган солиқлар.* Мол-мулк қийматидан олинadиган солиқлар. Маҳаллий солиқлар ва йиғимлар. Умумдавлат солиқлари ва йиғимлари. Умумдавлат ва маҳаллий солиқлар ўртасидаги боғлиқлик. Умумдавлат солиқларидан маҳаллий бюджетга ажратма қилиниш мезони ва тартиби. Солиқ тизими молия-кредит тизимининг таркибий қисми эканлиги. Ўзбекистон Республикасида солиқ тизимини ислоҳ қилинишининг асосий йўналишлари. Ўзбекистон Республикаси солиқ тизимининг ривожланган давлатлар солиқ тизими билан ўхшашлик ва фарқли жиҳатлари.

Солиқлар ва макроиктисодий ҳолатнинг узвий боғлиқлиги

Солиқ сиёсатининг макроиктисодий самараси. Ялпи ички маҳсулотда солиқларнинг улуши. *Солиқ юки муаммоси. Солиқ юкени тақсимлаш тамойиллари. Лаффер эгри чизиги ва унинг эластиклиги.* Ялпи талаб ва ялпи таклифнинг солиқларга таъсири. Солиқлар ва инвестицияларнинг ўзаро боғлиқлиги.

Солиқ ишини ташкил этиш асослари

Солиқ хизмати органларида меҳнатни илмий асосда ташкил қилиш. Солиқ хизмати ва божхона органлари фаолиятининг ҳуқуқий асослари. *Ўзбекистон Республикаси солиқ хизмати ва божхона органларининг таркибий тузилиши. Давлат солиқ қўмитасининг функцияси ва вазифалари.* Давлат Солиқ қўмитаси қошидаги эксперт комиссиясининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари. Солиқ хизмати органларининг бошқа молия-кредит муассасалари билан иқтисодий-ҳуқуқий муносабатлари.

Халқаро солиққа тортиш

Халқаро солиққа тортишнинг асосий тамойиллари. Халқаро солиққа тортишнинг ҳуқуқий асослари. *Халқаро солиқ кодексини қабул қилиш зарурияти ва аҳамияти. Европа Иттифоқи давлатларида солиққа тортиш. Жанубий-шарқий Осиё давлатларида солиқ солишининг хусусиятлари. Америка қитъаси давлатларида*

солиқ тизими. Халқаро икки ёқлама солиққа тортишни тартибга солиш. Солиқни прогноз қилишнинг халқаро тажрибаси.

3. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАВЗУЛАРИНИНГ МАЗМУНИ

"Солиқ назарияси" фанининг предмети ва ўрганиш усуллари

"Солиқ назарияси" фани ижтимоий-гуманитар фан эканлиги ва унинг тадқиқот объекти. Фанни ўрганишдаги умумий ва алоҳида усуллар*. Фаннинг бошқа фанлар билан узвий боғлиқлиги.

Солиқлар ва солиққа тортишнинг вужудга келиши ва ривожланиш тарихи

Солиқлар ва солиққа тортишнинг вужудга келиш давлари: Қадимги Рим давлати - солиқлар вужудга келишининг дастлабки кўриниши сифатида*. Қадимги Римда амал қилган солиқлар ва солиққа тортиш тизими (I-давр). XVII-XVIII асрлардаги солиқларнинг хусусиятлари (II-давр). Ўзбекистон Республикаси ҳудудида солиққа тортишнинг ривожланиши*: араб, мўғул истилочилари давридаги солиқлар; А.Темур ва темурийлар давлатида солиқлар ва солиққа тортиш тизими хусусиятлари, Бухоро Амирлиги, Қўқон ва Хива хонликлари даврида солиққа тортиш тартиби; Чор Россияси ҳукмронлиги давридаги солиқлар; Ўзбекистон Республикасида мустақилликкача бўлган солиқлар ва солиққа тортиш тизими.

Солиқлар ва солиққа тортиш ҳақида илмий қарашлар. Умумий ва хусусий солиқ назариялари

Илмий қарашлар, ғоялар, назариялар солиқ назарияларининг асосий манбаи эканлиги*. Умумий солиқ назариялари: алмашинув назарияси, атомистик назария, классик солиқ назариялари, Кейнс назарияси, монетаристик назария, таклиф иқтисоди назарияси*. Хусусий солиқ назариялари: тўғри ва эгри солиқлар нисбат назарияси. Ягона солиқ назарияси.

Солиқларнинг иқтисодий моҳияти ва тамойиллари

Солиқлар ва солиққа тортишнинг иқтисодий моҳияти*. Солиқларнинг тавсифий хусусиятлари ва умумий белгилари. Солиқларнинг функциялари. Солиқларнинг функциялари ва вазифалари ўртасидаги фарқ. Солиққа тортиш ва бюджет жараёни*. Солиқларнинг бошқа тўловлардан фарқли жиҳатлари. Солиқлар, йиғимлар, бож ва бошқа солиқсиз тўлов тушунчаларини бир-биридан фарқланиши (ажратилиши). Солиққа тортишнинг иқтисодий тамойиллари*. А.Смит

тамойиллари. Ўзбекистон Республикаси солиқ қонунчилигида солиққа тортиш тамойиллари.

Солиқ сиёсати ва унинг асосий йўналишлари

Солиқ сиёсати тушунчаси. Солиқ сиёсатининг таркиби*. Солиқ сиёсатини амалга оширишда ҳокимият органлари: олий, ижро, суд ҳокимиятларининг роли. Ўзбекистон Республикаси солиқ сиёсатининг хусусиятлари*. Солиқ стратегияси ва тактикаси. Иқтисодий эркинлаштириш ва иқтисодий юксалиш даврида солиқ сиёсати*. Халқаро солиқ сиёсати: умумий ва ўхшаш хусусиятлар.

Солиқ элементлари

Солиқ элементларининг моҳияти*. Солиқ ҳуқуқий нормаси дастлабки элемент сифатида. Солиқ муносабатлари иштирокчилари: солиқ ундирувчи (солиқ ва божхона хизмати органлари); солиқ тўловчи (юримдик ва жисмоний шахслар). Солиққа тортиш предмети. Солиқ объекти. Солиқ манбаи. Солиқ объекти ва солиқ манбаининг бирлиги (ўхшашлиги). Солиққа тортиладиган база. Солиқ меъёрлари. Солиқ бирлиги. Солиқ кўлами (масштаби). Солиқ ставкасининг мазмуни. Солиқ ставкаси турлари: Солиқ ставкаларини табақалаштириш мезонлари. Солиқ имтиёзлари. Солиқ имтиёзларининг турлари. Солиқ кредити. Солиқ каникули. Солиқ оклади. Солиқни тўлаш муддатлари. Солиқ даври. Солиқни ундириш усуллари.

Ўзбекистон Республикасининг солиқ тизими ва унинг шаклланиши

Солиқ тизимининг моҳияти*. Солиқ тизимининг таркиби. Солиқ тизими унсурлари. Солиқ тизимини гуруҳланиш тартиби*. Эгри солиқлар. Тўғри солиқлар. Оборотдан олинadиган солиқлар. Даромаддан олинadиган солиқлар. Мол-мулк қийматидан олинadиган солиқлар. Маҳаллий солиқлар ва йиғимлар. Умумдавлат солиқлари ва йиғимлари*. Умумдавлат солиқларидан маҳаллий бюджетга ажратма қилиниш мезони ва тартиби. Ўзбекистон Республикасида солиқ тизимини ислоҳ қилинишнинг асосий йўналишлари*. Ўзбекистон Республикаси солиқ тизимини ривожланган давлатлар солиқ тизими билан ўхшашлик ва фарқли жиҳатлари.

Солиқлар ва макроиқтисодий ҳолатнинг узвий боғлиқлиги

Солиқ сиёсатининг макроиқтисодий самараси*. Солиқ юки муаммоси. Лаффер эгри чизиғи ва унинг эластиклиги*. Ялпи талаб ва ялпи таклифнинг солиқларга таъсири. Солиқлар ва инвестицияларнинг ўзаро боғлиқлиги.

Солиқ ишини ташкил этиш асослари

Солиқ хизмати органларида меҳнатни илмий асосда ташкил қилиш*. Ўзбекистон Республикаси солиқ хизмати ва божхона органларини таркибий тузилиши*. Давлат солиқ қўмитасининг функцияси ва вазифалари. Солиқ хизмати органларининг бошқа молия-кредит муассасалари билан иқтисодий-ҳуқуқий муносабатлари.

Халқаро солиққа тортиш

Халқаро солиққа тортишнинг асосий тамойиллари*. Халқаро солиққа тортиш кодексини қабул қилиш зарурияти ва аҳамияти. Европа Иттифоқи давлатларида солиққа тортиш. Жанубий-Шарқий Осиё давлатларида солиқ солишнинг хусусиятлари. Америка қитъаси давлатларида солиқ тизими. Халқаро икки ёқлама солиққа тортишни тартибга солиш*.

Курс иши мавзулари рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасида солиқ идораларининг вужудга келиши ва ривожланиши.
2. Солиқларнинг таърифи, иқтисодий моҳияти ва функциялари.
3. Солиққа тортиш жамият иқтисодий маданиятининг элементи сифатида. Солиққа тортишнинг вужудга келиши ва ривожланиши.
4. Солиққа тортиш тўғрисида илмий қарашларнинг вужудга келиши. Умумий ва хусусий солиқ назариялари.
5. Солиққа тортишнинг иқтисодий моҳияти. Солиққа тортиш ва бюджет жараёни.
6. Солиққа тортиш тамойиллари тизими. Солиққа тортишнинг иқтисодий тамойиллари.
7. Солиқ қонунчилигини бузганлик учун жавобгарлик.
8. Солиқларнинг иқтисодий моҳияти ва функциялари, солиқнинг бошқа тўловлардан фарқи.
9. Солиқ тўловчиларига бериладиган имтиёзларнинг турлари, уларнинг гуруҳланиши.
10. Миллий даромадни қайта тақсимлашда солиқларнинг роли.
11. Солиқларнинг рағбатлантириш функцияси ва унинг аҳамиятини ошириш йўллари.
12. А.Смит ва ҳозирги замон иқтисодчилари ишлаб чиққан солиққа тортиш тамойиллари.
13. Бозор иқтисодиёти шароитида солиқ муносабатларини такомиллаштириш.

14. Солиқларнинг объектив зарурлиги ва иқтисодий моҳияти.
15. Солиқлар муҳим молиявий ресурс сифатида.
16. Солиқларнинг умумий белгилари ва функциялари.
17. Солиқларнинг вазифалари ҳамда уларнинг солиқ функцияларидан фарқи.
18. Солиқларни жорий этишнинг асосий тамойиллари ва уларнинг аҳамияти.
19. Солиқлар ва солиқсиз тўловлар. Уларнинг ўхшаш ва фарқли жиҳатлари.
20. Солиқ сиёсати ва унинг асосий йўналишлари.
21. Солиқ стратегияси ва тактикаси, уларнинг узвий бирлиги.
22. Солиқларнинг тузилиш асослари.
23. Солиқ объектлари ва уларнинг хусусиятлари.
24. Солиқ имтиёзлари ва уларнинг турлари.
25. Солиқлар ва бюджет тизими, уларнинг ўзаро боғлиқлиги.
26. И.А.Каримов асарларида солиққа оид муаммоларнинг акс эттирилиши.
27. Солиқ кодексини қабул қилиш зарурияти, унинг асосий хусусиятлари.
28. Солиқларнинг ҳуқуқий негизлари ва уларнинг ривожланиш ҳолати.
29. Ўзбекистон Республикаси солиқ тизимининг ривожланиш босқичлари.
30. Солиқ тизимининг асосий унсурлари (элементлари).
31. Солиқ ва солиққа тортиш тизимлари, уларнинг ўзаро фарқлари.
32. Тўғри солиқлар ва уларнинг таркиби.
33. Эгри солиқлар ва уларнинг асосий хусусиятлари.
34. Ўзбекистон Республикасида солиқ тизимини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари.
35. Иқтисодиётни эркинлаштириш ва солиқ сиёсати, уларни ўзаро мувофиқлаштириш масалалари.
36. Солиқ сиёсатини амалга оширувчи органлар ва уларнинг ваколатлари.
37. Солиқ механизми солиқ тизимининг таркибий қисми эканлиги.
38. Солиқ механизмнинг амал қилишида давлатнинг роли.
39. Миллий иқтисодиётда инвестицияларни рағбатлантиришда солиқларни тутган ўрни.
40. Солиқ имтиёзларини белгилашнинг асосий мезонлари (критерийлари).
41. Давлат ва хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги муносабатларда солиқларнинг роли.
42. Солиқ сиёсатини амалга оширишда солиқ хизмати органларининг молия-кредит муассасалари билан ўзаро муносабатлари.
43. Солиқ қонунчилигини бузганлик учун жавобгарлик ва унинг турлари.
44. Ўзбекистон Республикаси Давлат Солиқ Қўмитасининг функциялари ва вазифалари.

45. Солиқ сиёсатининг ялпи талаб ва ялпи таклифга таъсири.
46. Солиқ ставкаларининг мазмуни, унинг иқтисодийётни бошқаришдаги роли.
47. Солиқ оғирли (юки)ни аниқлаш тартиби ва унинг кўринишлари.
48. Солиқларнинг тарихий ривожланиш босқичлари.
49. Классик иқтисодчилар назарияларида солиқлар талқини.
50. Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида Ўзбекистон Республикаси солиқ тизимининг асосий муаммолари.
51. Жаҳоннинг ривожланган давлатларида солиққа тортиш тизими ва халқаро солиқ муносабатлари.

4. ИНФОРМАЦИОН-ТЕХНИК ВОСИТАЛАР

Ушбу фанни ўқитишда қуйидаги замонавий техник воситалардан, фойдаланиш кўзда тутилган:

1. Компьютер;
 2. Аудио ва видео жихозлар;
 3. Диопроектор;
 4. Кодаскоп;
 5. Интернет тармоғи сайтлари:
- E-mail: mail@finstat.ru
 - E-mail: valeo@etel.ru
 - <http://www.alpbook.ru/>
 - E-mail: alpina@alp.ru

5. ЎЗЛАШТИРИШ НАЗОРАТИ

Фан бўйича талабаларнинг ўзлаштиришини баҳолаш семестр (ўқув йили) давомида мунтазам равишда олиб борилади ва қуйидаги турлар орқали амалга оширилади:

- жорий баҳолаш (ЖБ);
- оралик баҳолаш (ОБ);
- якуний баҳолаш (ЯБ).

ЖБ ва ОБ турлари учун белгиланган баллар миқдори (ўқув режасида фанга семестр (ўқув йили) учун ажратилган соатнинг) 70 фоизи, якуний баҳолаш эса 30 фоиз миқдорида белгиланади.

Фан бўйича дастур тўла ўтилгандан кейин ЯБ "ёзма иш" усулида (ўқув режасига кўра) ўтказилади.

Таянч тушунчаларга асосланган ёзма ишни ўтказиш тартиби "Рейтинг тизимининг якуний баҳолаш босқичида "ёзма иш" усулини тадбиқ этиш бўйича Намунавий Низом" билан белгиланади. Семестр (ўқув йили) давомида ўқитилган фан бўйича максимал 55 ва унда юқори фоизни тўплаган талаба қоникарли ўқиётган ҳисобланади. Фан бўйича максимал баллнинг 55 фоизидан кам балл тўплаган талаба қоникарсиз ўқиётган (академик қарздор) ҳисобланади.

6. АДАБИЁТЛАР

Асосий адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. -Т.: Адолат, 1992.
2. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ Кодекси. -Т.: Адолат, 1999.
3. Ўзбекистон Республикасининг "Давлат солиқ хизмати тўғрисида"ги Қонуни. // Халқ сўзи газетаси, 1997 йил 29 август.
4. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. -Т.: Ўзбекистон, 1992.
5. Каримов И.А. Ўзбекистон - бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. - Т.: Ўзбекистон, 1993.
6. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. - Т.: Ўзбекистон, 1999.
7. Алимбоев С. ва бошқ. Солиқлар. -Т.: Меҳнат, 1999.
8. Брызгалин В. Налоги и налоговое право. -М.: Финансы и статистика, 1998.
9. Маликов Т. Солиқлар ва солиққа тортишнинг долзарб муаммолари. -Т.: Академия, 2002.
10. Мельник Д. Налоговый менеджмент. М.: Анкил, 2002.
11. Черник Д. Налоги. М.: Финансы и статистика, 1998.
12. Яхёев Қ. Солиққа тортиш назарияси ва амалиёти. -Т.: Ўқитувчи, 2000.
13. Яхёев Қ. 2003 Ўзбекистонда солиқ тизими. -Т.: Меҳнат, 1998.
14. Беганов В., Шаулов Д., Кан. Т. Финансовая политика, налоги и налогообложение. Справочное пособие. -Т.: Мир экономики и права. 2000.
15. Ваҳобов А., Срождидинова З. Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети. -Т., 2002.
16. Тошмуродова Б. Солиқлар воситасида иқтисодиётни бошқариш механизми. -Т.: Янги аср авлоди, 2002.
17. Семигулова Э., Мажидов А. Налоги и налогообложение. Учеб. пос. -Т.: ТИТЛП, 1999.

18. Черник Д. Налоги в рыночной экономике –М.: Финансы, 1999.
19. Большаков С. Финансовая политика государства и предприятия. –М.: Книжный мир, 2002.
20. Караваева И. Налоговое регулирование рыночной экономики: Учеб. пос. –М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2000.

Қўшимча адабиётлар

1. Налоги и налоговое право: Учебное пособие (под ред. А.В. Брызгалина) -М.: Аналитика пресс, 1999.
2. Налоги и налогообложение в вопросах и ответах: Часть-1., Республиканский информационно-консультативный центр Государственного налогового комитета Республики Узбекистан. Ташкент - 1998.
3. Налоговые системы зарубежных стран. 2-е издание -М.: Закон и право, ЮНИТИ, 1997.
4. Хван. Л Солиқ ҳуқуқи. -Т.: Консаудитинформ, 2002.
5. Пушкарева В.М. История финансовой мысли и политики налогов. - М.: Инфра-М, 1998.
6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш тўғрисида"ги Қарори. // Солиқ тўловчининг журнали. 7/2000.
7. Солиқ тўловчининг журнали. 2002-2003.
8. Ўзбекистон Иқтисодий Ахборотномаси журнали. 2002-2003.
9. "Солиқлар ва божхона хабарлари" газетаси. 2002-2003.
10. "Ҳамкор" газетаси. 2002-2003.